Гуламов Акмал Ботиржонович

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги

Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси

https://doi.org/10.5281/zenodo.7621326

https://explore.openaire.eu/search/publication?pid=10.5281%2Fzenodo.7621326

Глобал инқироз шароитида Ўзбекистон меҳнат бозорида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг таъсири

АННОТАЦИЯ: Мақолада глобал инқироз шароитида Ўзбекистон меҳнат бозорида вужудга келаётган муаммолар таҳлил этилган ҳамда муаммоларни ҳал қилиш учун давлат томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар, аҳолининг даромадини ошириш ҳамда меҳнатга лаёқатли, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари фаолиятини таъминлашнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган

Калит сўзлар: “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, “йўл харитаси”, ўзини-ўзи банд қилган шахс, ишсизлик даражаси, деҳқон хўжаликлари, ишсизлик нафақаси, “барча учун иш” тамойили, “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси, иқтисодий фаол аҳоли

Аҳолининг иш билан бандлик даражаси ҳар қандай давлат иқтисодиётининг ривожланиш кўламини ифодаловчи кўрсаткичлардан биридир. Меҳнат ва аҳоли иш билан бандлиги соҳасида бозор алоқаларини ривожлантириш янги ва ўхшаш бўлмаган ёндашишни, меҳнат бозори элементларини ўрганишда мунтазамликни, бозор категориялари ва тушунчаларининг услубий базасини янгилашни талаб этади. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш келгусида аҳолини бандлиги соҳасидаги институционал тузилмалар фаолиятларини жадаллаштириш ва норматив ҳуқуқий базаларини ривожлантиришни талаб қилади

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида сўнгги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини

таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизликни камайтириш, оилалар фаровонлигини ошириш бўйича кўплаб амалий ишлар бажарилди. Жумладан, Президентимизнинг бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасига оид 12 та фармони ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларга оид 40 дан зиёд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжати қабул қилинди.

Жорий йил 20 январдан кучга кирган "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонун бу борадаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди. Қонунда аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, хусусан, иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш, ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсизликни камайтириш чораларини кўриш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Коронавирус пандемиясининг мамлакатимиз меҳнат бозорига салбий таъсирининг олдини олиш борасида изчил ишлар давом этмоқда. Глобал инқирознинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилалар ва тадбиркорлик субъектларини манзилли қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ва ўта муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда белгиланган вазифаларнинг ижроси ўз вақтида таъминланиши натижасида жойларда "Ишга марҳамат" мономарказлари фаолият бошлади, маҳаллаларда касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ташкил этилди. Президентимиз ташаббуси билан "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" бўйича маҳаллабай ва фуқаробай ишлаш тизими йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2020-2021 йилларда юртимизда иқтисодий ўсишни тиклаш ва тизимли таркибий ўзгаришларни давом эттириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси ҳамда "йўл харитаси" тасдиқланди.

Мамлакатимизда 2022-йилнинг 1-июн ҳолатида меҳнат ресурслари сони **19 453,3 минг** кишини ташкил этиб, 2021-йилнинг шу даврига нисбатан **100,8 фоизга** ёки **153,7 минг** кишига ошган. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 13 773,6 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,9 фоизга** ёки **261,3**

минг кишига ошган. 2022-йилнинг 1-июн ҳолатида расмий секторда банд аҳоли сони **6 074,4 минг** кишини ташкил қилиб, 2021-йилнинг шу даврига нисбатан юридик шахсларда банд бўлганлар сони **4,1 фоизга** ёки **240,6 минг** кишига ошгани кузатилди. Норасмий секторда банд бўлганлар сони **5 690,3 минг** кишини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **8,2 фоиз** ёки **507,5 минг** кишига камайган.

Бунда асосан, норасмий тарзда фаолият кўрсатаётган фуқароларнинг ўзини-ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиши ҳамда бўш турган ерларни экин майдонлари сифатида деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш учун ажратиб берилиши ҳисобига эришилган.

Шунингдек, хорижий давлатларга ишлаш учун кетганлар **2008,8 минг** кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **528,2 минг** кишига ошиши норасмий бандларни камайишига сабаб бўлган.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони **1 326,6 минг** кишини, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли орасида **8,8 фоизни** ташкил этди. 16-30 ёшгача бўлганлар орасида ишсизлик даражаси **14,5 фоиз**, аёллар орасида ишсизлик даражаси эса **12,8 фоиз** бўлди. 2022-йилнинг 1-июл ҳолатида республикамизда иқтисодий нофаол аҳоли **4 353,2 минг** кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,9 фоизга** ёки **38,8 минг** кишига ортиши кузатилди. Бунда, ишлашни хоҳламайдиган ёки дарҳол ишга жойлашишга имконияти йўқлар ўтган йилга нисбатан **183,6 минг** кишига камайган бўлса, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган талабалар ҳамда туғруқ таътилидаги аёллар сони **222,4 минг** кишига ошган.

2021 йилнинг биринчи чорагида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан 281 195 нафар фуқарога турли хизматлар кўрсатилган. Жумладан, иш сўраб мурожаат қилган 71 361 киши бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилган. 33 330 нафари жамоат ишларига жалб этилган. 43 917 нафар фуқаро касбга ўқишга юборилган. 49 253 нафарига эса ишсизлик нафақаси тайинланган. 8 759 кишига субсидиялар ажратилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ташқи миграция масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, келажакда мигрантларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида хорижда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат стажи ҳисобга олиниб, уларга ҳам ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ва меҳнат стажини ҳисоблаш тизими татбиқ этилмоқда. Меҳнат мигрантларига йўл ҳақи, патент ва суғурта харажатлари учун паст фоизда 10 миллион сўмгача кредитлар ажратилмоқда. Хориждаги фуқаролар ҳуқуқий ҳимоясини тўлақонли таъминлаш учун онлайн платформа ва call-марказ ташкил этилиб, малакали адвокатлар хизмати йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги қарорида 2021 йилда меҳнат органлари томонидан 513 575 нафар фуқарога бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича хизматлар кўрсатилиши белгиланган. Шунингдек, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш учун субсидия, нафақалар ва микрокредитлар ажратиш прогноз кўрсаткичлари тасдиқланган. Хусусан, 2021 йилда субсидиялар учун 92,3 миллиард сўм, ишсизлик нафақалари тўлаб бериш учун 65,1 миллиард сўм, ишсиз, иш излаётган фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш харажатларини қоплаш учун 40,6 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Эндиликда вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда (вақтинча ишларда) банд бўлган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича янги тизим яратилади. Унда вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, иш берувчи жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларни ёллаш бўйича хизматлар кўрсатиш, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш масалаларида маслаҳат ва услубий ёрдам бериш, вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш, уларга меҳнат қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийимлар билан таъминлаш хизматларини кўрсатиш каби масалалар назарда тутилган.

Шунингдек, “барча учун иш” тамойили асосида вақтинча ишларни ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, иш берувчилар ва ишловчиларга масофадан туриб хизматлар кўрсатиш тизимини жорий этишга эътибор қаратилади. Вақтинча ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш жараёнларига давлат-хусусий шериклиги шартлари асосида тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш, бунда иш изловчиларни ётоқхона ва транспорт билан таъминлаш, тезкор буюртмалар олиш ва бошқа қўшимча хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш белгиланмоқда.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳузурида фаолият юритаётган вақтинча бир марталик иш билан таъминлаш бюролари кунлик меҳнат марказлари сифатида қайта ташкил этилади. Марказларни ташкил этиш, сақлаш ва моддий-техник таъминлаш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, уларда видеокузатув ва огоҳлантирувчи алоқа тизимларини ўрнатиш Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Қарорда белгиланганидек, бир ой муддат ичида кунлик меҳнат марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинади.

Тегишли вазирликлар томонидан 2021 йил 1 июлга қадар янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича ҳисоботларни юритиш, уларни реал вақт режимида Давлат солиқ қўмитасининг ягона интеграциялашган ахборот-ресурс базаси билан мониторинг қилишга мўлжалланган электрон дастур ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган.

Муҳим жиҳатлардан яна бири шуки, уч ой муддатда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарори билан белгиланган иш ўринларининг энг кам сони ва иш берувчилар томонидан иш ўринлари захирага

қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотлар “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида акс эттирилиши таъминланади.

Шундай қилиб: давлат иш билан бандлик хизматининг асосий вазифаси нодавлат иш билан бандлик органларини ташкил этиш ва меҳнат воситачилиги билан самарали шуғулланишлари учун имкониятлар яратишга кўмаклашиш зарур. Меҳнат бозорида ташкилий тузилмаларни иш билан бандлик соҳасидаги фаолиятларининг асосий мақсади ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида мувозанатни ва аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлашдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2016. -332 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси //.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/751.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси маълумотидан.

Электрон таълим ресурслари:

1. https://www.lex.uz
2. https://www.gov.uz